ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАНЛЫКӨЛ РАЙОНЫ
ҲӘКИМИ
Ш Е Ш И М И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚОНЛИКЎЛ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
Қ А Р О Р И

Қанлыкөл посёлкасы | Қонликўл шаҳарчаси

№214/02 | «15» феврал 2018-йил

Қонликўл тумани ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларга ва фуқароларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 31-январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Режа (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 2003-йил N 1-2, 17-модда)сига ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг 2018-йил 8-январдаги 03-08/13-01/11-сон баёнига асосан туман ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ва фуқароларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, туман ҳудудидаги корхона, ташкилотларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш графиги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман Ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (Д.Юлдашев), транспорт воситаларин мажбурий техник кўрикдан ўтказиш учун мулкчилик турига қарамасдан тумандаги зарур шароит ва ускуналарга эга бўлган техник хизматини кўрсатувчи корхоналарни аниқлаш ва улар билан шартнома тузиш вазифаси топширилсин.

3. «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»гы Режанинг 1 бўлим 5 бандининг «а» кичик бандининг транспорт воситаларининг техник кўриги:

а) йўловчи ташишда фойдаланаётган енгил автомобиллар, автобуслар, микроавтобуслар, одамларни доимий турда ташиш учун қайта жиҳозланган юк автомобиллари, катта габаритли, оғир ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини бир йилда икки маротаба биринчи босқич 2018 йил 1-мартдан 30-июнга қадар, иккинчи босқич 2018 йил 1 сентябрдан 31 октябрга қадар мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши;

б) хусусий транспорт воситаларини 2018 йил 1 январдан 31 август кунлари оралиғида ва 2018 йил 1 мартдан 30 июн оралиғида халқ хўжалиги ҳисобидаги

транспорт воситаларин мажбурий дастлабки техник кўрикдан сифатли ва самарали ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Тумандаги кархона, ташкилот ва жамият бошлиқлари ҳисобидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказишга таёрлаш чораларини кўриш топширилсин.

5. Тумандаги барча корхона, ташкилот ва жамиятлар, хусусий транспорт воситалари бўлган фуқаролар ўз транспорт воситаларини белгиланган муддатларда мажбурий техник кўрикдан ўтказишга олиб келинишини, техник жиҳатдан созлигини ва уларни яроқли ҳолатда олиб келишини таъминласин.

6. Ушбу қарор туман «Қанлыкөл хабарлары» газетасида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бошланганлиги ва ўтказиш муддатлари газета варақларида жорий этилсин.

7. Ушбу қарор расмий жорий қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг қабул қилинишига боғлиқ туман ҳокимининг 2017 йил 28 апрел кунги 530/4-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Қ.Ешмуратовга ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи Қ.Кабулов зиммаларига юклатилсин.

Таржимасининг тўғрилигини тасдиқлайман.

Қонликўл тумани ҳокими **Д.Толыбаев**

KOSHIRME DURIS